ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1 октябрь, пайшанба 1998 йил №115(616)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

1 ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

2 УЛУҒ ДОРИЛФУНУН

3 БИЗ НЕЧУН СЕВАМИЗ, ЎЗБЕКИСТОННИ!

4 МИЛЛАТНИНГ ЮЗИ

ЎЗБЕКИСТОН МАЪРИФАТ АҲЛИГА

Муҳтарам устозлар! Қадрли мураббийлар!

Сизларни қутлуғ байрам - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин дилдан муборакбод этаман.

Халқимиз сизларнинг мўътабар сиймонгизда миллат келажаги учун толмай хизмат қилаётган, мустақил фикрлайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, Ватани ва халқига фидокор комил инсонларни вояга етказишдек шарафли ва масъулиятли вазифани адо этаётган заҳматкаш ва фидойи инсонларни кўради.

Мен фарзандларимиз Сиз берган билими, Сиз парваришлаган истеъдоди билан янги асрда ҳам Ўзбекистон номини улуғлашларига, бутун имкониятларини буюк аждодлари анъаналарини давом эттириб, устозлари ишончини оқлашларига қатъий ишонаман.

Халқимизда «Устоз - отангдан улуғ» деган нақл бор. Бу мураббийларга бўлган юксак эҳтиром, иззат-икром ва беқиёс қарздорлик ифодасидир. Зотан, Сиз озод юртнинг энг азиз, энг улуғ ва мўътабар кишиларидансиз.

Азиз ватандошлар!

Бугунги умумхалқ байрами билан сизларни яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларингизда ривож, оилангизга бахт-саодат тилайман.

Ҳар бирингизнинг хонадонингизга шодлик ва иқбол ҳамиша ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ҳ.С.Караматовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Ҳамидулла Саъдуллаевич Караматов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 30 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

А.А.Азизхўжаевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этиш тўғрисида

Алишер Аббосович Азизхўжаев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 30 сентябрь

«Пахта-98»

ОЛТИН КУЗНИНГ ОЛТИН ДАМЛАРИ

Шу кунларда пахтазор барчани оҳанграбодек бағрига чорлаган. Лўппи-лўппи очилган пахталар кўзни қувнатади. Фидокор деҳқонлар олтин кузнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, кун сайин суръатга суръат қўшмоқдалар. Дала ишлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида ташкил этилган. Чевар теримчилар, ғайратли механизаторлар сидқидилдан ишлаб, мўмай пул топиш мумкинлигига қатъий ишонч ҳосил қилишган. Хўжаликларда қўлда терилган 1 кг ҳосил учун камида 5 сўмдан, икки қаторли машинада йиғиштирилган 1 тонна пахтага 135 сўм, тўрт қаторли зангори кемада саранжомланган пахта учун эса 85 сўмдан ҳақ тўлаш йўлга қўйилган.

Дала ишлари кун сайин қизғин тус олмоқда. Мехнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг синалган омилларидан унумли фойдаланаётган Хоразм, Бухоро вилоятлари саршуносларини шу куннинг ўзидаёқ довоннинг ярмидан ошдилар. Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон деҳқонлари ҳам марра сари дадил интилишаяпти.

Равшанки, бу йилги ёғингарчиликлар дала меҳнаткашларига қўшимча қийинчиликлар туғдирди. Ғўзанинг ривожланиши, ҳосилнинг етилиши бироз кечикди. Бироқ, мутахассисларнинг эътироф этишларича, бепоён далаларимизда баракали ҳосил яратилган. Эндиги вазифа муҳим ишда ялпи сафарбарликни таъминлаб, ғанимат кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишдир. Бебаҳо бойлигимизнинг нест-нобуд бўлишига йўл қўймаслик, Ватанга фақат юқори нав дурдона армуғон этиш асосий муддаодир. Бунинг учун муваффақиятни таъминлайдиган бош омил - зангори кемалардан унумли фойдаланишимиз лозим. Мавсумда жами 9871 терим агрегати жавлон уради. Масъулиятни чуқур ҳис қилаётган хўжаликларда дефолляция ишларини муддатда тез ва соз ўтказиш тадбирлари изчил амалга оширилаяпти.

Бағдод туманидаги Охунбобоев номли хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси маданий-маиший ишларни намунали йўлга қўйган. Дала шийпонлари деҳқоннинг чинакам оромгоҳига айлантирилган. Уларда кўчма кутубхона, дўконлар мавжуд. Шифокорлар йиғим-терим иштирокчиларини тиббий кўрикдан ўтказиб туришибди. Шунингдек, саршунослар билан ёзувчилар ва санъаткорларнинг учрашувлари ўтказилмоқда. Меҳнат беллашувида чевар теримчи Тойипахон Марайимова (суратда) пешқадамлик қилмоқда. У кунига 120-130 килограммдан дур йиғиштирмоқда. Зангори кемалар ҳам хирмонга барака киритаётир.

Б. ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.





Зарбдор туманидаги "Бахт" ширкатлар уюшмасининг Маҳмуд Эрматов бошлиқ жамоаси ҳосил йиғим-теримини юқори суръатда олиб бориб беш иш кунида маррага етдилар. Эл хирмонига 150 тонна юқори сифатли хомашё топширилди. Ҳосилдорлик гектарига 27 центнерни ташкил этди. Муваффақиятга эришишда маданий-маиший ишлар намунали йўлга қўйилганлиги муҳим рол ўйнади. Илғорлар ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб, ялпи ҳосилдорликни 46 центнерга етказишга аҳд қилишди.

Суратда: ширкат раиси Муҳаммад Эрматов (ўнгдан биринчи) теримчилар даврасида.

Нурмамат АЛМУРОДОВ
олган сурат.

ХЎЖАЛИК ИБРАТИ

Боғ узумчиликка ихтисослашган Наманган туманидаги Мухторжон Ҳайдаров раҳбарлик қилаётган «Самарқанд» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари пахта тайёрлаш режасини бажардилар. Янги ўзлаштирилган адир ерларда, боғ ва токзорлар оралиғидан мўлжалдаги юқори сифатли пахтани йиғиб топширдилар. Бу муваффақиятга Абдурасул Акбаров, Бойматбой Жалилов, Азизахон Эшонбоевалар бошлиқ бригадалар муносиб ҳисса қўшдилар.

Мўл ҳосил етиштириш ва давлат омборларига жадал топширишда Акбарали Иброҳимов, Неъматжон Абдуллаев, Каримжон Абдувалиев, Василахон Исматова, Рохилахон Нажмиддиновалар ғайрат кўрсатдилар. Хўжалик меҳнаткашларига қулай шарт-шароитлар яратилган. Ҳар беш кунда иш ҳақларини олиб туришибди. Бу уларнинг юқори кўрсаткичларга эришишларига омил бўлмоқда.

Абдунаби ҚОРАБОЕВ.

РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

Сирдарё туман автомобил йўллари бошқармаси маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти ўртасидаги меҳнат битимига мувофиқ ишчи хизматчилар бир қатор имтиёзлардан баҳраманд бўлмоқда. Жамоада меҳнат қилаётганган 4 нафар ишчига янги турар жой барпо этишлари учун 800 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди, шунингдек, қарилик гаштини сураётган 30 нафар йўлсозлар ҳам алоҳида эъзозда.

Йўл ва кўприклар қуришда фаол иштирок этаётган 230 нафар киши оиласи фаравонлигини таъминлаш мақсадида 3 гектар май-донда боғ барпо этилди. Шунингдек, долзарб қурилишда ишлаётганлар учун уч маҳал бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Йўлсозлар бу ғамхўрликларга жавобан астойдил ишлаб тўққиз ойлик режани муддатидан олдин уддалашди. Қисқа фурсатда 179 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

Куни кеча давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти қўмитаси томонидан бухородаги «Эркаклар» ва «Аёллар» мурувват уйларига жами ўн минг сўмлик дори-дармонлар топширилди.

Республика касаба уюшмаларининг моддий томондан кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул дарсликлар тақдим қилиш ҳақидаги ташаббуси касаба уюшмалари Андижон вилоят кенгаши томонидан ҳам қўллаб-қувватланди, вилоятдаги 23896 ўқувчига шундай ёрдам кўрсатишди.

Тошкент шаҳридаги 3-депода кўп болали, кам таъминланган оилалар, ногиронлар алоҳида рўйхатга олинган бўлиб, уларни ижтимоий муҳофаза-лаш маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитасининг доимий диққат марказида бўлмоқда. Шу сабабли тушган аризалар асосида меҳнаткашларга йил бошидан буён 438 минг 595 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

ФАХРИЙЛАР СУЯНГАН ТОҒЛАРИМИЗ

Мамлакатимизда уруш ва меҳнат фахрийлари, қариялар доим иззатда. Уларнинг кўнгилли дам олишлари, хордиқ чиқаришлари, баҳолиқудрат жамоат ишларида қатнашишлари, меҳнат қилишлари учун барча шароит мавжуд. Бу борада Ўзбекистон фахрийларининг «Нуроний» жамғармаси ибратли ишларни амалга оширмоқда. Мухбиримиз «Нуроний» жамғармаси Сирдарё вилоят кенгашининг раиси Абдусаттор Муҳамедов билан шу ҳақда суҳбатлашди:

- Вилоятимизда 1,5 мингдан кўпроқ уруш қатнашчиси, 9 мингга яқин уруш ортида меҳнат қилган фахрийлар, 72 мингдан ортиқ пенсионер яшамоқда. Уларнинг кўпи эл-юрт тинчлиги ва ободлиги йўлида, ёшларни Ватанга садоқат ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол иштирок этишяпти.

Жамғарма фаолияти ишлаб чиқариш тизими, кичик корхона ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигига эришиш билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам жамғарма вилоят бўлими кенгаши ва раёсатининг аъзозлари бу соҳада қатор тадбирларни амалга оширдилар. 1998 йилнинг биринчи ярмида корхона ва деҳқон хўжаликлари 89 га етказилди, ёки ўтган йилга нисбатан тўртага кўпайди. Жумладан, 26 корхона ва фермер хўжалиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, 14 та корхона маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланмоқда.

Шу йилнинг иккинчи чорагида «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими тасарруфидаги корхоналар 9771,7 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу биринчи чорагидагига нисбатан 3557,5 минг сўм кўп. Иккинчи чоракда умумий даромад 308,4 минг сўм бўлди. Хайрия ишларига 21,6 минг сўм сарфланди. Корхоналарда ишлаётганлар сони 606 кишига етди, шундан 330 киши фахрийлардир.

Вилоятда маҳаллалар, хўжаликлар 195 жамоатчилик маркази фаолият кўрсатяпти. Ҳар бир марказда 5 нафардан фаоллар бўлиб, улар жойлардаги қариялар аҳволидан хабар олиб туришади, ўтказилаётган тадбирлар, тўйлар, маракаларга бош-қош бўлади. Хуллас, фахрийлар бизнинг фахримиздир.

Фарҳод НОРМАТОВ,
ЎзА мухбири.

БАНКРОТ

Унинг сабаблари ва сабоқлари

Халқимизда «Бозорга бор, бахтингдан кўр»-деган ибора бор. Унинг замирида чуқур маъно бор. Аммо маълумки, бозор иқтисодиёти собиқ совет давридаги текисчиликка барҳам берди. Ишнинг кўзини билган тадбиркорларгина тараққиётга юз тутадилар. Уқувсизлар, ҳисобдон адашганлар эса қарзга ботиб, охир оқибатда синишади. Ҳозирги таъбир билан айтганда, банкрот бўлишади.

Банкротликнинг ўзи нима ва унинг вужудга келишига қандай сабаблар таъсир қилади? Биринчидан, бозор конъюктурасини, истеъмол талабларини ўрганмаслик ҳамда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш оқибатида сотилмай, туриб қолиши сабабли айланма маблағларнинг камайиши ва молиявий ҳисоб-китобнинг издан чиқишидир. Иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёнини хомашё ва бошқа зарур воситалар билан таъминлай олмаслик корхона фаолияти сустлашувига ва пировардида тўхтаб қолишига олиб келади. Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи Ўктамжон Сирожиддиновнинг эътироф этишича, тажрибада қарз миқдори мулк қийматининг 50 фоизидан ошса, корхона таназзул томон юз тутаётган ҳисобланади. Бу кўрсаткич 70-75 фоизга етса, амалда банкротлик бошланади. Чунки бундай ҳолда корхона тўлов қобилиятини деярли йўқотадиган бўлади. Шуни унутмаслик керакки, бундай корхона қарзларни узолмаслиги билан бирга шерикларнинг фаолиятига ҳам зарар етказади. Шу боис зарар келтираётган корхонани қўшимча харажат эвазига сақлаб тургандан кўра уни тугатиш ёки таркибий ўзгартириш қилиш иқтисодий жиҳатдан маъқулроқдир.

Энди айрим амалий ҳолатлар тўғрисида фикр юритайлик. Масалан, Ургут туманидаги тўқимачилик фабрикаси 1984 йилда ташкил этилган бўлиб, йилига 9 млн. метр тўқима матолар ишлаб чиқарар, 460 киши иш билан банд эди. 90-йилларгача корхона катта салоҳиятга эга бўлганди. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ушбу фабрика ўзининг олдинги шерикларини йўқотиб қўйди, янги ҳамкорлар билан эса яқин муносабат ўрната олмади. Корхона раҳбарларида стратегик режанинг йўқлиги, узоқни кўзлай олмаслик оқибатида ишлаб чиқариш пароканделикка учради. Тўғри, улар қўл қовуштириб ўтирмай, маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқара бошлашди. Лекин бундай чоралар корхонани иқтисодий жиҳатдан ўнглашга хизмат қилолмади. Раҳбарларни алмаштириш ҳам наф бермади. Чунки корхона ночорликнинг барча чегараларидан ўтган эди. Таназзулнинг асосий сабабларидан бири 80-йилларда янги фабрикага ўрнатилган дастгоҳлар ўша вақтдаёқ эскирганлиги ва ҳозирги технологик талабларга жавоб бера олмай қолганлигидир. Вазият шу даражага бориб етдики, ҳатто корхона биноси нурай бошлади. 1997 йилга келиб корхона фаолияти тўлиқ тўхтади. Шу ўринда бир нарсага эътибор беринг: корхона қувватидан фойдаланиш 1996 йилда 10 фоизга, 1997 йилда 3,7 фоизга тушиб кетди. Корхона 1996 йилда 5,3 млн. сўм, ўтган йилда 13,1 млн. сўм зарар кўрди. Шу йилнинг бошига келиб корхонанинг қарзлари 18,9 миллион сўмга етди.

Корхонани таназзулдан чиқариш учун бир қанча чоралар кўрилди. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссияси қарори билан «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасига «Тўқимачилик» ҳиссадорлик жамиятини сақлаб қолиб, реструктизацияни икки ойда амалга ошириш топширилган бўлса-да, бироқ афсуски уюшма қатъий чоралар кўролмади. Шунга қарамай, Ургут туман ҳокимлиги, республика давлат мулки қўмитасининг вилоят бошқармаси, иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича вилоят бошқармаси ўз имкониятлари доражасида корхонани қўллаб-қувватлашди. ХИФлар маблағларини жалб қилишдек сўнги чора ҳам кўрилди. Жамият акцияларининг 30 фоизи ХИФлар томонидан сотиб олиниши вазиятни бироз соғломлаштиришга туртки бўлди. Лекин тўлиқ ўнгланишга эришилмади. Шундан кейин-дан қараганда, ночор аҳволга тушишига ундан жуда катта миқдорда қарздор бўлиб қолган Самарқанд уйжой қурилиш бошқармаси, Жума қум карьери, Қўйлиқ (Тошкент) бетон заводи, 122-ПМК, УПТК, «Иссиқлик манбаи» трести каби корхоналар сабабчидир.

Фикримизча, агар жоиз бўлса, қарзни тўламасдан бир корхонани банкротликка олиб келишга сабабчи бўлган шерик корхона раҳбарларига нисбатан ҳам тегишли чоралар кўрилса мақсадга мувофиқ бўларди. Лекин корхонани ночорликка олиб келган ташқи омиллар билан бирга, ички заҳира ва имкониятлардан самарали фойдалана олмаганликни унутмаслик керак.

Юқорида номлари зикр қилинган, банкротлик домига тушган корхоналарда уларни тугатиш жараёни бошланди. Бу ҳол бугун фаолият кўрсатаётган ҳар бир корхона раҳбарига сабоқ бўлиши керак. Чунки бозор иқтисодиётининг қонунлари шафқатсиз. Энг муҳими, ҳар қандай корхонанинг банкротлиги давлатга, иқтисодий ҳамкорларга, меҳнат жамоасининг ижтимоий манфаатларига зарар келтиришини, маълум даражада ишсизлик пайдо бўлишини унутмаслик керак. Бинобарин, янги вужудга келадиган иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимини ночор аҳволга тушилган пайтда излагандан кўра унинг чораларини ўз вақтида кўриб қўйган маъқул.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 6 йиллиги олдидан

УЛУҒ ДОРИЛФУНУН

Ўзбекистон мустақилликка эришиши биланоқ бу давлатнинг бундан кейинги истиқболи қандай бўлиши, унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жиҳатлари, халқаро ҳамжамиятда тутган ўрни сингари масалалар муаммо бўлиб турарди. Шунинг учун ҳам йўлбошчимиз ушбу муаммолар ечимига йўл топишда раҳнамолик қилиб давлатни сиёсий тузум маъносини англатувчи истиқлол Конституциясини ишлаб чиқиш чора-тадбирларини кўрди.

Асосий қонун лойиҳаси қисқа вақт ичида ишлаб чиқилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Ниҳоят, 1992 йил 8 декабрда эса Олий Кенгашнинг XII чақириқ 11-сессиясида тантанали равишда қабул қилинди. Ана шу кун умумхалқ байрами, деб эълон қилинди.

Озод мамлакатимиз тарихида биринчи марта ўз Конституциямизнинг қабул қилиниши республикамизнинг уйғонишидан, мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қўйилганлигидан далолат берарди. Конституция бизнинг давлатимизни - давлат, миллатимизни - миллат қилишлиги ҳақидаги Президентимизнинг сўзлари қанчалик асосли эканлигини қисқа давр кўрсатиб берди.

Конституциямизнинг ижобий жиҳатлари нималарда намоён бўлмоқда, деган асосли савол туғилиши мумкин.

Бизнинг назаримизда улар қуйидагилардан иборат.

Асосий қонунимиз илгаригилардан фарқли ўлароқ ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра тамомила янги ҳужжат бўлиб, унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар йўқлиги, жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи - инсон деган фикрни олға сурганлиги ва шу асосда «Фуқаро, жамият, давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ҳуқуқий ечими ифодаланганидир. Шунинг учун ҳам Қомусимизнинг бу янги жиҳатлари ҳозир қабул қилинаётган ёки тайёрланаётган Қонун ва ҳуқуқий меъёрларда ўз аксини топмоқда. Уларда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни улуғлаш, миллий қадриятлар ва маданиятимизни қайта тиклаш, уни ҳурмат қилишга даъват этилади. Бу эса Конституциямизнинг қисқа давр ичида ўз кучи, ҳаётийлиги, оммабоплиги ва замон талабига мос тузилганлигини кўрсатмоқда.

Амалдаги Конституция олдингилардан кескин фарқ қилибгина қолмай, балки давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби, уларнинг ваколатларини бир-биридан ажратиб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти каби учта асосий турга бўлди. Ушбу идораларнинг ўзаро муносабатларини аниқ кўрсатиб берган.

Ўз истиқлолини қўлга киритган мамлакатимизнинг суд идоралари янги Конституцияда «Судлар тўғрисида»ги ва бошқа қонунларга асосланган ҳолда мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, фуқаролар, давлат ва жамоат бирлашмаларининг эрки, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат идоралари орасида муносиб ўрин эгаллашлари лозимлиги баён этилган. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи «Фуқаро, кейин жамият: давлат» деган тушунчага амал қилган ҳолда иш тутишлари асослаб берилган.

Бу қоидалар «Судлар тўғрисида»ги қонунда ривожлантирилди. Суд ҳимоясида бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш учун махсус ҳуқуқий меъёр билан мустаҳкамланди. Бунга кўра фуқаролар давлат бошқаруви идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайри қонуний хатти-ҳаракатларидан, шунингдек, шаъни ва қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиги, шахсий эркинлиги ва мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги биринчи навбатга қўйилгани эътиборга сазовордир.

Асосий қонунимизнинг ривожланган илғор давлатлар Конституциялари қаторидан муносиб ўрин олганлигини кўпгина хорижий мамлакатлар экспертлари тан олмоқдалар. Бунга Конституциямизнинг Умумжаҳон ҳуқуқлари Декларациясининг барча асосий қоидалари ва ҳуқуқий меъёрларни ўз ичига олганлиги ҳамда аждодларимиз тўплаган тажрибага, шариат ҳуқуқининг ижобий-ҳаётий жиҳатларидан оқилона фойдаланганликни асос қилиб кўрсатиш мумкин.

Асосий қонун асосида, унга амал қилган ҳолда бошқа қонунларни яратиш ва қабул қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу боисдан қисқа вақт давомида Олий Мажлис сессияларида қатор қонунлар қабул қилинди. Масалан, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари учун судга мурожаат этиш тўғрисидаги Қонун, Жиноят, Жиноят процессуал, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал Кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги, Оила кодекслари ва бошқа Қонунлар Конституциямизни ривожлантиришга қаратилган қонун ва меъёрий ҳужжатлардир.

Асосий Қонуннинг 63-моддасида Оила - жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги таъкидланган. Оилани мустаҳкамлашнинг давлат миқёси даражасига кўтарилиши мустақил Ўзбекистоннинг фаровонлигига қаратилган муҳим тадбирларнинг энг асосийси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам юртбошимиз ташаббуси билан 1998 йилни «Оила йили» деб номланганлигининг ўзиёқ бу масалага жиддий эътибор берилаётганлигидан далолат бериб турибди. Чунончи, ҳуқуқшунос олимлар билан амалиёт ходимларининг фаол иштирокида тайёрланиб, Олий Мажлиснинг шу йил 1-чақириқ 11-сессиясида қабул қилинган Оила Кодекси мазкур йилдаги муҳим воқеа бўлди.

Республикамизда демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилган қонунларнинг бажарилиши иқтисодий, сиёсий соҳалардаги ислоҳотларимизни амалга ошириш учун асосий омиллардан биридир.

Шунинг учун юртбошимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг 1-чақириқ 12-сессиясида «Қонун қабул қилиш - бу ишнинг ярми, холос. Уларни ҳаётга тўлиқ тадбиқ этиш даркор. Бунинг учун қабул қилинган қонунларни кундалик турмушимизда амалга ошириш зарур...» деган эдилар.

Дарҳақиқат, республикамизда Конституция асосида яратилаётган ҳуқуқий асослар қанчалик давр талабига жавоб бермасин, агар улар фуқаролар, мансабдор шахслар ва идоралар томонидан бажарилмас экан, бундай қонун ҳужжатларининг ҳеч қандай таъсир кучи бўлмайди.

Бизнинг назаримизда бу масалаларнинг ечимлари қуйидаги механизмлар орқали ҳал қилиниши мумкин деб, ҳисоблаймиз:

Жамиятда ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгни ошириш. Бунинг учун ҳар бир қабул қилинган қонун ҳужжатларини тарғибот қилишга жиддий эътибор бериш даркор. Бу масалада мутасадди раҳбарларнинг масъулиятини ошириш мақсадида белгиланган муддатда ҳар бир раҳбар ўзларининг ихтисослигига тегишли масалалар бўйича жамоа олдида ҳисоб бериши ва бошқа бўйсунувчи шахсларнинг ҳисоботини эшитиб бориши керак. Қонун ҳужжатларини тарғибот қилишда уларга риоя этиш намунасини кўрсатишда, суд, прокуратура, ички ишлар ходимлари, адвокатура, нотариал органлари ҳамда ўзини-ўзи бошқариш идоралари ходимларининг роли беқиёсдир. Масалан, ҳар бир қонун ҳужжатларини жамоатчилик йиғинларида ёки фуқаро билан алоҳида, ёхуд ота-оналар ўртасида тушунтириб борилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари талабаларини ҳам аҳоли ўртасида қонунларни тарғиб этиш ишларига жалб этиш ижобий натижалар бериши мумкин.

Матбуот идораларини қонун ҳужжатларини кўплаб нусхада нашр этиш имкониятини назарда тутиб, тегишли қоидалардан кўчирма олган ҳолда уларни аҳолига етказиш ва кўринарли жойларга илиб қўйиш ҳам тегишли самара беради, деб ўйлаймиз.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, қонунларни тарғибот қилишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти беқиёсдир. Хуллас, жамиятнинг ҳар бир аъзоси Конституция ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга ўз ҳиссасини қўшар экан, демак, қонунларнинг устуворлигини таъминлаган ва ислоҳотларни рўёбга чиқаришга кўмаклашган бўлади.

Шоаҳмад ШОРАҲМЕДОВ,
юридик фанлари доктори.

Шу куннинг долзарб муаммоси

I. ЭКОЛОГИЯ ХАВФИ НИМАДАН?


Республикамизнинг ҳозирги экологик-иқтисодий сиёсати - умумий экосистеманинг муҳофазасини таъминлашга, инсон ҳаёти муҳитининг барча қирраларини кафолатлашга қаратилган.

Президентимиз Ислом Каримов экологик хавфсизликни кучайтиришнинг асосий йўналишларини аниқ-равшан белгилаб берди, булар: ҳаво ва сув муҳитининг зарарли таъсирини камайтириш, янги технологияларни кенг жорий этиш, саноат корхоналарида замонавий тозалаш қурилмаларини жорий этиш, мавжуд фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланиш, жонли табиатнинг генофондини сақлаб қолиш, шаҳарларда ва қишлоқларда аҳоли учун қулай шароит яратиш, жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш каби муҳим масалаларни ўз ичига олади.

Муҳими шундаки, бу масалаларни ижобий ҳал қилишнинг барча ҳуқуқий асослари яратилган. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ер ости қазилмалари тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» каби қонунлар ва бошқа кўплаб меъёрий-методик ҳужжатлар қабул қилинди. Юқоридаги қонунчилик-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда жорий этиш экологик муаммолар ечимини топишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

- Кейинги ўн йилликлар давомида иқтисодиётни экстенсив равишда ривожлантириш, табиат бойликларидан тартибсиз фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида ҳаддан ташқари кўп минерал ўғитлар ва пестицидларни ишлатиш, саноат ишлаб чиқаришда заҳарли чиқиндиларнинг кўпайиб кетиши фақат республикамизда эмас, балки бутун Марказий Осиё давлатлари минтақасида экологик жиҳатдан оғир вазиятларни келтириб чиқарди. Орол денгизи ва Орол ҳавзаси минтақасидаги оғир фожеалар ҳам шулар жумласига киради. Шунингдек, Тожикистон алюмин заводи чиқиндилари, Фарғона вилоят Тошлоқ туманидаги сув заҳираларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши, Навоий вилоятида юзага келган жиддий экологик шароит, сув заҳираларининг ўта танқислиги, суғориладиган ерларнинг эрозияга учраши, уларни кимёвий ўғитлар таъсирида ифлосланиши, чиқиндиларни зарарсизлантириш муаммолари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси муҳофазаси ва бошқалар - республикамизда ҳали экологик шароитни яхшилаш учун кўп ишлар қилиш зарурлигини кўрсатади.

Жумладан, республика ҳудудида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш муҳим вазифадир. Бу борада жиддий тадбирлар кўрилаётганлиги туфайли ҳаво таркиби меъёр даражасида бўлишига эришилмоқда. Масалан, 1997 йилда ифлослантирувчи моддалар 1,8 млн. тоннани ташкил этди. Бу 1991 йилдагига нисбатан икки баробар камайганлигини кўрсатади. 1996 йилда 1995 йилга нисбатан ифлослантирувчи моддалар миқдори 165 минг тоннага камайди.



Атмосфера ҳавосини ифлослайдиган йирик манбалардан бири автомобиль транспорти бўлиб, уларнинг чиқинди чиқариши ёқилғи сифатига, двигателларининг ишлаш режимига, уларнинг техник ҳолатига боғлиқ. Атмосферага ташланадиган ифлослайдиган моддалар умумий миқдорида автотранспорт улуши 53 фоизни, баъзи бир шаҳарлар (Андижон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент)да эса ҳатто 80 фоизни ташкил этади.

Кейинги йилларда кўрилган тадбирлар туфайли бу борада ижобий силжишга эришилди. Масалан, 1991 йилда республика бўйича автотранспорт чиқиндилари 2,6 млн. тоннани ташкил этган эди, 1997 йилда 0,98 млн. тоннадан ошмади. Автотранспортнинг атмосфера ҳавосига салбий таъсирини камайтириш чораларидан бири экологик тоза ёқилғига, яъни қисилган табиий газга ўтишдир. Ўтган йилда 8,7 минг автотранспорт қисилган газга, 3,1 минг автотранспорт нефтгазга, 1,0 минг автотранспорт газ-дизель ёқилғига ўтказилди. Бу чиқиндиларни 1,5 минг тоннага камайтириш имконини берди.

Ҳавонинг санитария нормалари талабларига жавоб бериши учун кейинги йилларда жиддий тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, бош йил ичида чиқиндилар чиқиши 1,6 баробар камайди. Гидрометрология бош бошқармаси маълумотларига кўра, 1997 йилда Қарши, Денов, Нуробод, Гулистон, Шаҳрисабз, Бекобод шаҳарлари барча белгиланган кўрсаткичлар бўйича санитария-гигиена нормаларига мувофиқ келди. Аммо 1997 йилда 1995 йилга нисбатан Олмалиқ, Бухоро, Тошкент, Ангрен, Самарқанд, Навоий шаҳарларида атмосфера ҳавосини ифлосланиш даражаси ортган.

XX аср охирларида бизлар дуч келган экологик хавфлардан бирини - атмосфера озон қатламининг камайиб кетаётганлиги ва айрим уринларда озон туйнуги ҳосил бўлаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Гап шундаки, кейинги ярим аср ичида инсоният атмосферанинг озон қатламини емирадиган кимёвий бирикмаларни ҳавога учириб, ўта нозик табиий мувозанатга зарар етказмоқда.

1995 йилда 147 мамлакат иштирокида Вена Конвенцияси қабул қилинди. Конвенция атмосферанинг озон қатламини ўз муҳофазасига олди. Икки йилдан сўнг Вена Конвенциясига мувофиқ Протокол имзоланди. 1990 йилда эса бу кимёвий бирикмани ишлаб чиқаришни тўхтатишга келишилди. Ўзбекистон Республикаси Вена Конвенцияси, Монреал Протоколига қўшилган ва ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариб келмоқда.

Ичишга мўлжалланган сувнинг сифати аҳоли саломатлигига катта таъсир кўрсатади. Буни ҳисобга олиб республикада 1990 йилдан бошлаб қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш давлат дастури изчил амалга оширилиб келинмоқда. Республикада сўнгги йиллар ичида 13,5 минг км узунликда водопровод ишга туширилди. Натижада беш йил ичида мамлакат аҳолисини сув билан таъминлаш 8 фоизга ошди. Қорақалпоғистон республикасида 11, Хоразм вилоятида эса 32 фоизга кўпайди.

Маълумки, табиатда ҳамма оқар сувлар бошланғич манбаларида экологик жиҳатдан тоза бўлади, асосий манбалардан узоқлашган сари четдан бўлган таъсир туфайли бутун оқим давомида чорвачилик, коммунал-маиший, саноат чиқиндилари билан ифлосланади. Айниқса, шаҳарлардан оқиб чиққан дарё сувлари турли ишлаб чиқариш корхоналарининг оқоваларидан ифлосланганини кузатиш мумкин. Баъзан уларнинг ифлосланиш даражаси йўл қўйилган нормага нисбатан 40-50 баробар юқори ҳам бўлади.

Қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар ва пестицидлардан фойдаланишнинг қисман камайганлиги дарё сувининг нормада бўлишига олиб келади. Республиканинг асосий сув манбалари ҳолатига ижобий таъсир қилди. Натижада кейинги йилларда Амударё ва Бухоро вилоят коллекторларида ифлосланиш даражасидаги ўсиш тўхтади. Бундай ҳолатни Зарафшон дарёсининг Навоий шаҳригача бўлган қисмида ҳам кузатиш мумкин. Кейинги 3-4 йил давомида Фарғона водийсидаги сув тармоқларида, Чирчиқ дарёсида сувнинг сифати яхшиланди.


Оқар сувларни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилган қатор тадбирлар туфайли Исфарамсой, Марғилонсой, Қўқонсой, Жанубий Фарғона каналлари сувининг сифати анча яхшиланди. Умуман, республика оқар сувлари ва сув ҳавзаларида ўтказилган кейинги текширишлар ифлосланиш камайиб бораётганини кўрсатади.

Орол бўйи аҳолисининг ҳаёт шароитини яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар кўрилди. Соғлиқни муҳофаза қилиш, сув таъминоти, газлаштириш жадал олиб борилди, сувдан фойдаланиш жиддий назорат остига олинди. Кўрилган тадбирлар натижасида 1995 йилда Орол денгизига 10,3 куб км., 1996 йилда эса 12,6 куб км. миқдорда суғориш ва коллектор суви оқиб келди.

Орол ҳавзасидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг юзага келиши оқибатида халқаро характерга эга бўлди. Бу масала Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Эндиликда Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари ташкил этган давлатлараро сув хўжалиги координация комиссияси фаол иш олиб бормоқда.

Асқад ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси.



«ЭЛКОМОСИЁ-98» КЎРГАЗМАСИ

Тошкентдаги республика савдо-кўргазма маркази — «Ўзэкспомарказ»да «Элкомосиё-98» халқаро кўргазмаси очилди.

Ўзбекистонда бошқарув тизими, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик каби муҳим соҳаларга илмий ва технологик янгиликларни кенг жалб этиш борасида серқўлам ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда телекоммуникация тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасидаги ишлар 2010 йилгача мўлжалланган Миллий дастур асосида олиб борилаётир. Маълумки, дастурда кўрсатиб ўтилган лойиҳаларни амалга оширишда чет эл сармоядорлари ва ишлаб чиқариш компанияларининг ҳам кенг иштироки назарда тутилган. Юртимизнинг иқтисодий имкониятлари, улкан салоҳияти чет эллик ҳамкорларни Ўзбекистонда телекоммуникацияни ривожлантиришга, улкан маблағ ва замонавий технологиялар жалб этишга ундамоқда. Тошкентда иш бошлаган «Элкомосиё-98» халқаро кўргазмасида АҚШ, Германия, Италия, Франция, Швеция, Туркия, Чехия сингари 13 давлатдан 30 фирма ва компания иштирок этаётгани фикримизнинг исботидир. Улар орасида «Алстом», «Моторола», «Эрикссон», «Сименс», «Виол» каби дунёга машҳур компанияларнинг ҳам борлиги кўргазманинг нуфузини янада оширмоқда.

Тошкентда бешинчи бор ўтказилаётган ушбу кўргазмада энергетика, электроника, телекоммуникация, компьютер техникаси соҳасидаги энг замонавий технологиялар намойиш этиляпти. Бу мамлакатимизда мана шу соҳаларни ривожлантиришга туртки бўлиши, шубҳасиз. Ушбу кўргазманинг ўтказилиши унда иштирок этаётган кўплаб хорижий фирма ва компанияларга нафақат Ўзбекистоннинг салоҳияти билан танишиш имконини беради, балки ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилашда ҳам кўмакдош бўлади.

/ЎзА/

Суратда: Кўргазма пайти.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Қизилқум цементи

Навоий шаҳридаги «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти қўшма корхонаси цемент, клинкер каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йил сайин кўпайтирмоқда. Бу йил истеъмолчиларга 2 миллион тонна саноат хомашёси етказиб берилади. Шу мақсадда корхонада «Қизилқумтепалик» савдо уйи ташкил этилди. Унинг вилоятларда, шунингдек Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжонда бўлимлари очилди. Шу бўлимлар орқали ҳозирдаёқ 130 минг тонна цемент сотилди. Унинг 50 минг тоннаси истеъмолчига қадоқланган ҳолда юборилди. Цементни 50 килограммли қопда чиқаришда Германиядан келтирилган ускуналар қўл келмоқда. Айни пайтда Покистон ишбилармонлари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилаётир.

Шунингдек, қўшимча иш ўринлари ташкил этишга жиддий эътибор берилмоқда, - дейди корхона директори Ўктам Рўзиқулов. - Ҳозирдаёқ халқ истеъмол моллари цехи ишлаб турибди. Ҳадемай, Хатирчи туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигида консерва цехи, Навбаҳор туманидаги Жамбул номли жамоа хўжалигида эса вино заводи ишга тушади. Натижада юзлаб аҳоли доимий иш билан таъминланади.



Суратда: цемент солиш пайти.

Собир Зуфаров (ЎзА) суратга олган.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

«ЁШЛИК»

ОТҲЖ акциядорлари диққатига!

Жамият биносида 1998 йил 9 октябрь соат 16.30 да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси бўлади.

Кун тартиби:

1. Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.
2. Акционерлик жамияти таъсис ва ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартиришларни тасдиқлаш.
3. Турли масалалар.

Мурожат учун тел. 48-22-34.

Кузатув кенгаши.

Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги олдидан

Истиқлол шарофати ва Президентимиз Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати туфайли халқимиз Имом ал-Бухорий илмий-ижодий хазинасидан баҳраманд бўлаётир. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29 апрелдаги «Имом ал-Бухорий» таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори туфайли аллома меросига қизиқиш янада ортди.

ИФТИХОР

Алишер МАРДИЕВ, Самарқанд вилояти ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати

Мазкур қарор Имом ал-Бухорий илмий-маърифий меросининг халқимиз маънавий-руҳий ҳаётидаги ва жамиятимиз кишиларини баркамол қилиб тарбиялашдаги беқиёс ўрнини назарда тутиб қабул қилинган. Шўролар даврида «виждон эркинлиги» қоғоздагина ифодаланиб, амалда эса диний, жумладан исломий қадриятларимиз ҳар қадамда топталгани оқибатида биз бу тирик сарчашма лаззатидан бебаҳра қолдик. Эндиги вазифа улуғ ҳадисшуносниг бой меросини бутун бўй-басти ила тиклаш, авайлаб асраш ва қадрлаш билан бирга имом ал-Бухорий номи ҳамда ҳаётига дахлдор қадамжолари обидаларини ҳам улуғлашдан иборатдир.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори ана шу икки йўналишдаги вазифалар кўламини ҳамда муҳим тадбирларни белгилаб берди. Самарқанд вилоятини оладиган бўлсак, бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳам эътибордан четда қолмаган ҳолда бутун халқимиз мазкур қарор руҳи билан нафас олаётгандек. Шу кунларда Челак туманидаги Хартанг қишлоғида жуда катта миқёсдаги қурилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Алломанинг таваллуд жойлари Бухоро шаҳри. Таъкидланишича, ўша давр Бухоро ҳукмдори Холид ибн Аҳмад аз-Зулайҳий алломанинг қатъияти туфайли уни Бухородан бадарға қилади. Имом ал-Бухорий Самарқандга йўл олади ва шаҳар яқинидаги Хартанг қишлоғидаги қариндошлари уйида қўнади. Тақдири азалми, шу ерда тоби қочиб, абадий уйқуга бош қўяди.

Ислом оламидаги машҳур инсоннинг ҳоки беэътибор қолмайди, албатта. Аввало қариндошлари, сўнгра Самарқанд аҳли, дўсту шогирдлар саъй-ҳаракати билан қабртош битилади. Ул зот тартиб берган ишончли ҳадислар, фиқҳ ва тарихга оид асарларнинг бетакрор қиммати теранроқ англана боргани сари мусулмон дунёсининг нигоҳи тағин Самарқандга, Хартанг мавзеига қадалади. Қадимшуносларнинг маълумотига қараганда, чамаси X-XI асрларда Бухородаги Сомонийлар мақбарасини эслатувчи илк хонақоҳ тикланади. Мақбара атрофидаги жомеъ масжиди, тоқу равоқли айвон эса кейинроқ - XVIIIасрда қурилган, деб тахмин қилинади. Россия чоризми босқини ва шўролар тузумининг метин тўсиқлари юртимизни ҳатто яқин қўшнилардан ажратиб ташлагач, Имом ал-Бухорий макон топган Хартанг ҳам ўзбекистонликлар хотирасидан кўтарилгандек туюлди. Садоқатни қарангки, шундай бир даврда Иордания, Индонезия, Саудия Арабистони каби мамлакатларнинг раҳбарлари, илм аҳллари Имом ал-Бухорий зиёратгоҳининг ҳолидан ташвишга тушдилар. Натижада 1974 йилда якка фирқавий зуғум авжига чиққан бўлишига қарамай , мутафаккир ҳадисшунос таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан диний жамоатчилик вакиллари иштирокида халқаро илмий анжуман ўтказилди. Хартангдаги мақбара ва масжид таъмирланди. «Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ»нинг тўрт жилди ўзбек тилида босмадан чиқди. Аммо буларнинг ҳаммаси ими-жимида, элюрт хабар топмайдиган даражада уюштирилди. Демоқчимизки, Вазирлар Маҳкамасининг қароридан сўнг Хартангнинг ҳам, Имом ал-Бухорий меросининг ҳам ҳақиқий маънодаги иккинчи умри бошланмоқда. Ҳукуматимиз раҳбарияти назарда тутганидек, мўлжалланган ишларнинг ҳар икки йўналиши бирбирини тақозо этади, бирбирини тўлдиради. Айтайлик, Хартангдаги мақбара теварак-атрофи қанча маҳобатли қилиб қайта тикланган тақдирда ҳам , агар Имом ал-Бухорийнинг дунё маданиятига қўшган ҳиссаси ҳар бир юртдошимиз шуурига сингдирилмас экан, бу жойнинг улуғ зиёратгоҳлиги сабабларини англаб етмай дунёдан ўтиб кетавериш мумкин. Айнан шу замонда, айнан шу андоза билан ўлчаганимиздагина Вазирлар Маҳкамаси қарорининг моҳиятини тўғри тушуниб оламиз ва унинг ижросидаги улушимиз шунчалик салмоқли бўлади. Ҳукуматимиз қарорида бу ерда қадимий миллий меъморчилик анъаналари билан уйғунлашган замонавий иншоотлардан иборат бетакрор муҳташам ёдгорлик мажмуини барпо этиш чоратадбирлари белгиланган. Асосий мажмуа ҳовлиси 1.1 гектар майдонни ишғол қилиб, бўйи қарийб 18 метрни ташкил этадиган мақбара ҳовли тўридан жой олади. Нақшинкор дарвозалар орқали кириладиган ҳовлининг тўрт томонини 480 та устунли баланд айвонлар эгаллайди. Чап тарафдаги 2000 намозхонга мўлжалланган масжидга ҳам, ўнг томондаги ҳадис марказига ҳам шу айвонлардан кириб борилади. Мажмуа ўртасидаги кўҳна чинорлар улкан фавворани ўраб туради.

Бутун иш мобайнида қурилиш майдонида тупроқ қазиш, тош-шағал тўкиш, пойдевор тиклаш, инженерлик-коммуникация тармоғини ўтказиш юмушлари уддаланган бўлса, баҳор келиши билан ғишт териш бошлаб юборилди. Ҳозир бу ерда деярли барча вилоятларнинг қурилиш ташкилотлари вакилларини учратиш мумкин. Қурилиш материаллари узлуксиз етказилиб турилибди. Айни чоғда Самарқанддан Хартангга элтувчи йўл жаҳон андозалари даражасида қайта бунёд этилди. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Имом ал-Бухорий тавалудди санасини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков қурилишга тез-тез ташриф буюриб, бунёдкорлик ишлари суръати ва сифатини оширишга доир қимматли маслаҳатларини бериб бормоқда.

Асосий мажмуа-ёдгорлик қуриб битказилгач, Хартанг қишлоғининг катта қисмини эгалловчи меҳмонхоналар, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат, электр, газ, алоқа биноларини тиклашга киришилади. Лойиҳа қиймати деган мезон билан гапирадиган бўлсам, бу ердаги асосий ишларни қўлдан чиқариш учун 1 миллиард 750 миллион сўм маблағ сарфланиши лозим. Варнлар, қўшма корхоналар раҳбарларининг мурожаати ва вилоят ҳокимининг ушбу масалага тааллуқли ҳар тарафлама тарғиб этилаётгани натижасида шу кунгача 200 миллион сўмликдан ошиқ жамғарма ҳосил қилинди. Бундан ташқари шу йил 6 июнда ўтказилган шанбалик ва вилоят телемарафонида жамғармага 6 миллион сўмдан зиёд маблағ тушди. Имом ал-Бухорий юбилейи шарафига махсус лотерея чиқарилиб, вилоятда 3 миллион нусхада тарқатилди, унинг 60 фоиздан зиёди сотилди.

Ҳали айтилган мурожаат вилоятимиз жамоатчилиги вакиллари ташаббуси билан таъсис этилган «Имом ал-Бухорий» халқаро ҳайрия жамғармасини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ниятида қабул қилинганди. Эндиликда мустақил мамлакатимизнинг бошқа вилоятлар, шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси ҳам жамғармага моддий кўмак бериш ҳаракатига ихлос билан қўшилмоқда.

Хартангдаги барча бунёдкорлик ишларининг хазинабони вазифасини ўтаётган жамғарманинг мақсадлари улуғ. У Республика Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олингандан бери (1997 йил 3 феврал) - бир йилдан ошиқ вақт ўтди. Шунга қарамай жамғарма имом ал-Бухорий ҳаёти ва илмий-маърифий фаолиятини кенг ўрганиб, асарларини хорижий тиллардан ўзбекчага ўгириш, Давлат матбуот қўмитаси билан ҳамкорликда нашр эттириш, учрашувлар, суҳбатлар, илмий-амалий анжуманлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали машҳур муҳаддис ғояларини аҳоли ўртасида ҳар тарафлама тарғиб қилишга фаол киришиб кетди. Жамғарма теварагига уюшган зиёлиларимиз шу кунларда олий ва ўрта махсус билим юртлари, умумтаълим мактабларида, меҳнат жамоаларида илмий-амалий анжуманлар ўтказишаяпти. Тошкентдаги нашриётларда «Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти», «Имом ал-Бухорий таърифи» сингари рисолалар босмадан чиқди. Ўзимизда жамғарма хусусидаги маълумотнома, шунингдек, «Имом ал-Бухорий» номли илмий-маърифий тўпламнинг биринчи сони нашр этилди.

Тошкент, Бухоро, Хива шаҳарларида, Озорбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон республикаларида, Россиянинг мусулмонлар яшовчи минтақаларида, Туркия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатларда жамғарма бўлимлари тузиш ҳамда фаолиятларини авж олдириш даркор. Бу борада шу йил сентябрь ойида ЮНЕСКО иштирокида Самарқандда ўтказиладиган «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро илмий анжуманга катта умид боғламоқдамиз. Бу анжуман улуғ аждодларининг муборак номларини тиклаб, иззат-обрўларини ўрнига қўяётган Ўзбекистонимизнинг дунёга танилишида ҳам муҳим воқеа бўлиб қолади.

ТАДБИРЛАРДАН АМАЛИЙ ИШГА

Жиззах вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари фаолиятига бир назар

Вилоят деҳқонлари нисбатан мураккаб шароитда фаолият юритадилар. Мўлжалдаги ҳосилни етиштириш ва уни қисқа фурсатда саранжомлаб олиш учун зўр омилкорлик, фидоийлик кўрсатиш лозим. Шу боис ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган касаба уюшмалари қўмиталари инсон омилига эътиборни кучайтиришмоқда. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг синалган омиллари амалиётга тобора изчил тадбиқ этилмоқда. Иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, далада ишлаётганларга қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилаяпти.

Равшанки, белгиланган тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланган тақдирдагина пировард натижага эришиш мумкин. Ҳозирги кунда вилоят касаба уюшмаси қўмитаси ўз атрофига 438 та бошланғич ташкилотларни бирлаштирган. Улар қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилмоқдалар. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хўжаликларда ўтган йилги сабоқлардан тегишли хулоса чиқарилмоқда. Расмиятчилик, боқимандалик каби иллатлар барҳам топаяпти. Мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, моддий манфаатдорликнинг таъминланаётганлиги ноз-неъмат бунёдкорларининг ишга бўлган муносабатини ўзгартирди. Улардаги эртанги кунга бўлган ишонч, иштиёқни мустаҳкамлади. Шу боис дастлабки ютуқлар қўлга киритилмоқда. Хусусан, вилоят деҳқонлари давлатга ғалла, пилла топшириш шартнома режаларини бажардилар. Ҳозирги кунда бутун диққат-эътибор пахта йиғим-теримига қаратилган. Теримчию механизаторларга маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатиш анча жонланди. Оқ олтин йиғиштираётганларнинг иш ҳақи ҳар беш кунда даланинг ўзида бериб борилмоқда. Буларнинг ҳаммасида касаба уюшмалари қўмиталарининг роли алоҳида бўлаяпти.

Деҳқон фермер хўжаликлари сони айниқса сўнгги йилларда кўпайди. Ҳар ҳолда мулк ўзгаришида, ёниб-жўшиб меҳнат қилишмоқда. Мулкдорлар синфининг ишончли вакиллари истеъмол бозорини тўлдиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Вилоятдаги деҳқон фермер хўжаликларида 12.826 нафар киши меҳнат қилмоқда. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилаётганлиги, ҳар қарич ер эъзозланаётганлиги туфайли натижалар тобора салмоқлироқ бўлиб бораяпти. Шу ўринда бир мисол келтирсак: Бахмал туманидаги А.Усанов номли касаба уюшмаси қўмитаси раҳбарият билан ҳамжиҳатликда меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, далада ишлаётганларга ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш борасида ибрат кўрсатмоқда. Бу ерда юқори кўрсаткичга эришаётган, ҳайрли ташаббуслар билан майдонга чиқаётганлар муносиб равишда тақдирланмоқда. Хўжалик раҳбари А.Раҳмонқулов ўзининг бутун фаолиятини иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишга қаратаяпти. Кайфиятга, ҳамкору ҳамжиҳатликка кўп нарса боғлиқ. Деҳқонлар ўзларига яратилаётган шароитлардан кўнгиллари тўлиб сидқидил тер тўкмоқдалар. Шу боис хўжаликда ҳосилдорлик икки ҳисса ортди, миришкор чўнтаги пул кўрди.

Афсуски, иш ҳамма ерда бирдек кетаяпти, деб бўлмайди. Айрим касаба уюшмалари қўмиталари бозор талабларига монанд равишда фаолият юрита олмаётирлар. Ҳал қилувчи дамларда етакчиларда билим, ташкилотчилик, изчиллик етишмаётганлиги сезилмоқда. Мирзачўл, Зарбдор, Зомин, Ғаллаорол туманлари меҳнат жамоаларида иқтисодий ислоҳот суст кетмоқда. Асосий камчиликларнинг яна бири шуки, жойларда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис сессиялари, Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишларида сўзлаган нутқларида ўртага қўйилаётган долзарб масалалар моҳияти оммага чуқур сингдирилмаётир.

Ишнинг муваффақиятини кадрлар ҳал этади. Шу маънода вилоят касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган тармоқ ходимларининг ўқуви муҳим аҳамият касб этди. Машғулотларда фаолиятни янгича талаблар асосида тубдан яхшилаш омиллари ҳамда ибратли фаолият юритаётганларнинг тажрибалари чуқур ўрганилди.

Шундай бўлсада ишдаги чалкашликлар, ўзибўларчилик ҳам тараққиётга тўғаноқ бўлмоқда. Яна бир мисолга эътиборни қаратайлик. Зарбдор туманидаги Е.Қурбонов номли, «Бўстон» ва «Тараққиёт» хўжаликлари касаба уюшма қўмиталари негадир молиявий жиҳатдан туман тадбиркорлар касаба уюшмаси қўмитаси ҳисобига ўтиб қолган. Шу боис аъзолик бадаллари ва ижтимоий суғурта маблағларини тушириб олишда келишмовчиликлар содир бўлди. Бундай камчиликлар туфайли кадрлар қўнимсизлиги юзага келмоқда. Сўнгги икки йил ичида Бахмал туман касаба уюшмаси қўмитаси раиси 4 марта, Ғаллаоролда 2 марта ўзгарган. Бу тадбирларни изчил амалга оширишга жиддий тўғаноқ бўлмоқда.

Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш энг асосий вазифалардандир. Жорий йилда уч ярим минг нафардан зиёд ўқувчилар оромгоҳларда мириқиб дам олдилар. Демак, вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари фаолиятларини янгича талаблар асосида такомиллаштириб, иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишга эришишлари лозим. Бу борада илғорлар тажрибаси асқотади.

Н.НИЁЗОВ.

«Ишонч» мақолалари изидан

«КУТУБХОНАМИ ЁКИ ОМБОРХОНА»

«Ишонч» газетасининг шу йил 5 февраль сонида Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани «Чиял» жамоа ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган туман касаба уюшмаси тасарруфидаги кутубхона ҳақида танқидий мақола босилган эди. Ушбу мақола касаба уюшмалари туман қўмитасининг шу йил 16 мартида бўлиб ўтган раёсат йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Мазкур раёсат йиғилишининг қарори билан кутубхона мудири Абдураҳмат Дурмановнингўз ишига совуққонлик билан қараганлиги қайд қилинди. А.Дурманов 1995 йилдан буён хўжалик ҳисобидан иш ҳақи олиб ишлаётганлиги сабабли хўжалик раҳбариятига уни вазифасидан озод қилиб, кутубхона ишига лаёқатли мутахассиснинг топилиши тавсия этилди.

Ш. ТОҒАЕВ,
Чироқчи тумани ҳокимининг ўринбосари.





Марҳамат туманидаги мева-сабзавотни қайта ишлаш ва вино ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти давр талаблари асосида иш юритаётган корхоналаридан биридир.

Корхона ўз линияларини жаҳон меъёрларига талаб берадиган технология билан жиҳозлади. Европанинг ривожланиш ва тараққиёт банкидан 2 миллион 572 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиши корхонага ана шундай имкониятни берди.

Айни кунда корхонада тайёрланаётган томат, турли шарбат, мураббо маҳсулотларининг 70 фоизи ҳамдўстлик мамлакатлари ва хорижий давлатларга сотилмоқда.

Суратларда: 1) ҳиссадорлик жамияти аъзоси Зарифа Жинакова.

2) ишчи Азизахон Мусаева.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.


Биз нечун севамиз, Ўзбекистонни!

СИР СОҲИЛИДАГИ СЕҲРЛИ ДИЁР

Ҳаёт тақозоси билан хорижга кетиш учун тайёргарлик кўраётган аёл билан суҳбатлашиб қолдик. У икки ўт ичида қолганлигини айтиб кўзига ёш олди. Онаси, жигарлари ўша юртда қўним топганлигини, аммо гўзал Ўзбекистондан сира кўнгил узолмаётганлигини таъкидлади.

Суҳбатдошимнинг синиқ оҳангдаги гапларидан англадимки, жаннатмакон юртимиз нону-тузини татиган киши унинг бир умрга мафтунига айланади. Шу заминга, бағри кенг, меҳр-оқибатли халқимизга кўнгил қўяди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимиздек тинч, фаровон ўлкани қўмсаганлар кўпайди. Хорижлик ҳамкорлар ҳам тобора ортмоқда. Бу қалбларга олам-олам қувонч бахш этади.

Истиқлолимизга етти йил тўлди. Ана шу даврда беқиёс ўзгаришларга эришилди. Ҳур Ўзбекистоннинг бир гўшаси бўлмиш Сирдарё мисолида бунга бир назар ташлайлик. Вилоятда 654 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Қадимда Искандар Зулқарнайдек инсон ҳам ўйга толдирган фидокор халқ авлодлари водийю воҳаларидан келганлар метин иродали чўлқуварларга қўшилиб Мирзачўл аталмиш саҳрои азимни боғу-бўстонга, пахтазорларга айлантирдилар. Бугун вилоят жамолини ҳар қанча таърифласак арзийди. Шўролар даврида сирдарёликлар топширган пахта хирмонлари то ойга қадар масофани эгаллайди. Чўлқуварлар олдига фақат иложи борича кўпроқ пахта хом-ашёси етказиб бериш вазифаси қўйилган. Таажжубки, чўл ўзлаштиришдаги камчиликлар оқибатида маданий-маиший шароитнинг тайини бўлмаган. Бироқ, кишиларнинг она заминга бўлган меҳру-муҳаббати туфайли барча қийинчиликларга дош берилган. Саломатлик учун тўғри келмайдиган, деҳқон турмуш тарзига мос тушмайдиган бетон уйларда яшаганлар эртанги кунимизнинг ёриқ бўлишига умид боғлади-



лар. Асрий орзулар рўёбга чиққач ўзимизни етиштирган пахтани ўзимиз қайта ишлашимиз лозимлигини барча тушуниб етди. Истиқлол шарофати билан етти йилда эришилаётган натижалар етмиш йилга татигулик.

Иқтисодий таҳлил: ўтган йиллар ичида вилоятда стадионлар сони 11 тага, спорт заллари 217 тага, теннис кортлари эса 12 тага кўпайди. Тўққизта янги бозор қурилди. Австрия, Италия, Чехия, Туркия, Германия, Эрон, Хитой, Швейцария, Франция, Сурия сингари хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда 29 та қўшма корхонага асос солинди. Россия, Беларусь, Украина, Қозоғистон давлатлари билан алоқалар йил сайин ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг илк кунлариданоқ саноатни қишлоққа олиб кириш, хусусий корхоналарни кўпайтириш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Халқ ҳунармандчилигини тиклашга рағбат кучли. Бугунги кунда кўплаб тадбиркорлар шу хайрли ишга бел боғлаганлар. Элим деб, юртим деб ёниб яшаётганларнинг айримлари билан мулоқотда бўлдик. Мирзаобод туманининг «Деҳқонобод» ширкатлар уюшмасидаги тадбиркор Абдухолиқ Кенжаев ҳақида одамлар фахр билан гапиришади. Бундан уч йил муқадам у елиб-югуриб хусусий корхона очди. Қисқа фурсатда 12 хил макарон ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Хусусий корхона неъматларига эндиликда харидор сероб.

Истиқлол қаддимизни тоғдек кўтарди. Дунёга ўзгача кўз билан қарашга ўргандик. Ҳатто америкалик деҳқонлар ҳам Мирзачўллик полизчилардан андоза олишга интилишгани рост.

Гулистонлик уч йигит ўтган йили «сеҳрли диёр»га таклиф этилиб, ул заминга ҳам тилими тилни ёрадиган Мирзачўлнинг «оқ уруғи»ни қадади. Хорижликлар «ўзбек қовуни» белгиси билан бозор-у дўконларни тўлдирган неъматимиздан баҳраманд бўлдилар.

Халқимиз азалдан аҳиллиноқ бўлишга интилиб келган. Бунга ҳамиша ҳам рағбат кўрсатилмоқда. Юртимизда маҳаллага эътиборнинг кучайиши натижасида одамлар ўртасида меҳр-оқибат, биродарлик туйғулари янгича маъно касб этди. Бугун нафақат оила, балки маҳалла-кўй инокилигига ҳавас қилса арзийди. Ховос қўрғонида «Чаманзор» деб аталадиган бир маҳалла бор. Исми жисмига монанд, бу маҳаллада яшовчилар ҳунармандликлари билан ҳам ажралиб туради. Бу ерда «Устоз ва шогирд» ҳаракати қарор топган. Ешларнинг бирор касб этагини тутишида маҳалла аҳли хизматлари сезиларли катта бўлаяпти. Аҳиллик бор жойда барака бор. «Чаманзор» маҳалласи ҳам Янгиер шаҳридаги энг ҳунарманд маҳалла номини олди.

Мирзачўллик Абдурасул Назаров хонадонида бўлганимизда ҳалол меҳнат маҳсулини кўриб қувондик. Абдурасул ака эл манфаати учун тиним билмай югуриб елади. Не захмату қийинчиликлар билан зах сувлардан тўпланган кўлмакни тозалаб балиқчилик хўжалиги ташкил қилади. Қувончлиси, у Мирзачўлда ноёб ҳисобланган, йилдан-йилга камайиб кетаётган балиқ турларини кўпайтиришга муваффақ бўлмоқда. Ҳар йили эл дастурхонига бир тоннадан ошиқ асал, 1,5-2 тонна гўшт етказиб беради. Фидойи инсон ҳеч қачон миннат қилган эмас. Ўн бир нафар фарзандини ҳам эл хизматига камарбаста қилиб тарбиялаб келмоқда. Абдурасул аканинг энг яхши ҳислатларидан бири боқимандаликни ҳуш кўрмаслигида ҳаётнинг мазмунини шу таҳлит идрок этаётганлар сафи эса тобора кенгайиб бораётир. Кишилар бировларнинг, юқори идораларнинг ёрдамига эмас, ўз ғайрат шижоатлари, кучларига таяниб иш кўрмоқдалар.

Одатда шаҳарни қишлоқ боқади дейишади. Лекин таассуфки, Иттифоқ пайтида ҳам вилоятнинг кўплаб қишлоқлари тоза ичимлик суви ва табиий газдан бебаҳра эди. Қисқа фурсатда 102,5 км ичимлик суви, 18,8 км газ тармоқлари фойдаланишга топширилди. Ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши туфайли Сирдарё суви ҳозир Ховос тумани қирадирларигача етиб борди. Эндиликда бу ерларда боғ-роғлар барпо этиш имконияти яратилганлигидан қувонмай бўладими?!

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

БУГУН–ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

САОДАТ ЙЎЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида (1997 йил 29 август) «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва «Кадрлаш тарйёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.

* * *


Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. (1997 йил, 6 октябрь). Унга кўра юқорида тилга олинган Қонунларни ҳаётга тадбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланди.

* * *

«Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси грантини олган 157 нафар ёшларимиз ривожланган чет мамлакатлар Университетларида таълим олмоқдалар. Президент грантининг 317 нафар совриндорлари бу йил хорижда ўқишни бошладилар.



ТАДБИРКОРНИНГ ЎҚУВЧИЛАРГА СОВҒАСИ

Наманган вилоятида тадбиркор кишилар кўп. Улар истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланиб, бадавлат кишиларга айланишган. Шулардан бири «Имкон» хусусий фирмаси раҳбари Муҳаммадюнус Назаровдир.


- Тадбиркор бойиса, кўпга нафи тегади, деганлари бор гап, - дейди у. - Пешона тери эвазига топилган маблағимизнинг муайян қисмини савобли ишларга сарфлаяпмиз. Анчадан буён Тўрақўрғон туманидаги 62-ўрта мактаб ўқувчиларига амалий ёрдам кўрсатиш орзуим эди. Мутасаддилар билан ҳамжиҳатликда бу йил амалий ишга киришдик. Қисқа муддат ичида фирма ҳисобидан мактабга 270 ўринли қўшимча бино қуриб берилди. Бунинг учун 15 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу севимли устозларимизнинг касб байрамларига муносиб совғамиздир.

Суратда: 1. «Имкон» хусусий фирмаси бошлиғи М.Назаров.

2. Бошланғич синф ўқитувчиси М.Жамолиддинова.

3. Янги мактаб биносининг умумий кўриниши.





ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

* * *

Мамлакатимиз таълим тизимига 1998 йилда жалб қилинган чет эл инвестициялари:

Осиё ривожланиш банки: 153,5 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этган, бу маблағ ўқув дастурининг ишлаб чиқиш тизимини, дарсликлар педагогик сифатини такомиллаштиришга ва шу мақсаддаги бошқа ишларга сарфланади.

* * *

АКСЕЛС дастури: 644 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилиб, 194 нафар ўқувчининг турли давлатларда ўқишига ҳамда ҳалқаро олимпиадаларда, конкурсларда қатнашишига кўмак бермоқда.

* * *

«АМЕРОЗ - ИНДУСТРИЕС» ўзбек-америка қўшма корхонаси: 800 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияни таълим муассасалари қошида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфламоқда.

* * *

1998 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида» Қарор қабул қилди.

* * *

1998 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

* * *

1998 йил 28 январ куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантиришни ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди.

* * *

1993-1998 йиллар давомида Халқ таълими тизимида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш бўйича 12,36 ва 60 соатлик машғулотларнинг ўқув дастурлари тузилиб, улар асосида тайёрланган 20 га яқин қўлланма, рисола ва тавсиялар жойларга етказиб берилди.

* * *

Ўтган даврда бошланғич синфларда дарс берадиган 111,4 минг ўқитувчидан 86,9 минг нафари, 309,4 минг фан ўқитувчисидан эса 111,4 минг нафари махсус курсларда ўқитилди.

* * *

Ҳозирги кунда касб-ҳунар таълими тизимида жами 221 минг кишини қамраб олган 442 та ўқув юрти, шу жумладан 209 та касб- ҳунар мактаби, 180 та касб-ҳунар лицейи ва 53 та бизнес-мактаб ишлаб турибди.

* * *

Республикада жами 197 минг киши таълим олаётган 258 та ўрта касб-ҳунар таълими ўқув юрти ишлаб турибди. Уларда қарийб 16 минг ўқитувчи ва муҳандис-педагог ходимлар меҳнат қилмоқда. («Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан»)

* * *

Мамлакатимизда 1998 йил 1 сентябрдан янги ташкил этилган 21 та касб-ҳунар коллежи ва 14 та академик лицейлар ўз фаолиятини бошлади. Пойтахтимиздаги 2-Тошкент ПБЮ янги ўқув йилида педагогик касб-ҳунар коллежига айлантирилиб, янги мақомда ўз фаолиятини бошлади.

* * *

Мустақиллигимизнинг дастлабки икки йилида 12 та университет ташкил қилинди ва уларнинг сони 16 тага етди. Ҳозирда республикамиз бўйича жами 58 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда.

* * *

Олий ўқув юртларида жами 164 минг талаба таҳсил олмоқда. Уларга билим бераётган 18,5 минг мутахассисларнинг 52 фоизи фан кандидати ва докторлардир.

МИЛЛАТНИНГ ЮЗИ

Юртбошимизнинг ушбу сўзлари бот-бот ёдга тушади: «Муаллим — миллатнинг юзи». Бинобарин, юрт истиқлоли, миллат иқболи азалбоши таълим, тарбия даражасига боғлиқ. Тарихда бунга мисоллар кўп. Қолаверса, истиқлолга эришганимиздан сўнг биз билан яқиндан мулоқотда бўлмоқни ихтиёр этаётган қатор тараққий топган мамлакатлар босиб ўтган йўл — ривожланиш силсиласи бунга шоҳид.

Суҳбатдошимиз — Бекобод тумани халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи Одилжон ҚОДИРОВдан эшитганларимиз ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

— Касбнинг яхши-ёмони бўлмайди, — дейди Одилжон ака. — Лекин барча касб-ҳунарларнинг отаси ҳам, онаси ҳам муаллимлик деса муболаға бўлмас. Бани одамзот Одам Ато ва Момо Ҳаволардан бошланғани каби яратувчиликнинг ибтидоси ҳам таълим-тарбия масканидадир.

Ислоҳотларни энг кўп бошидан кечирган соҳа — бу таълимдир. Янгилик эса ҳеч қачон силлиқ кечмайди. Муваффақиятлар билан бир қаторда кўплаб, баъзан анчайин қупол хатоларнинг юзага қалқиб чиқиши ҳам шу боис. Шу маънода мен истиқлол шарофати ила таълим соҳасида қўйилган дастлабки қадамларни қутлуғ ва барокатли дегим келади.

Туманимизда жами 62 та таълим маскани бўлиб, шундан 5 таси ўрта ва 13 таси таянч мактабларидир. Ўттиз мингдан зиёд ўқувчи икки ярим мингга яқин муаллим қалб қўри ила бераётган билимдан баҳраманд. Дарвоқе, «Таълим тўғрисида»ги Қонунга асосан, бу йил 1430 нафар 6 ёшли бола тиббий-педагогик комиссиядан утказилиб, шундан 120 нафари 1-синфга қабул қилинди. Кузатишлар улар дарсларни етти ёшли акалари билан теппа-тенг ўзлаштиришга эришаётганлигини тасдиқламоқда.

Кези келганда, туманимиздаги тўртта мактабда 12 та гимназия синфи мавжуд эканлигини таъкидлашни истардим. Фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўзлаштириш эса 18 та мактабда 1559 нафар ўқувчи таҳсил олади. Бу борада Шевченко номли 6-ўрта мактаб фаолияти таҳсинга лойиқ. Жами 764 ўқувчи таълим олаётган зиёгоҳда биринчидан то олтингача бўлган синфларнинг 9 таси гимназия синфлари ҳисобланади. Шунингдек, юқори синфларда йўналтирилган ва лицейга тайёрлов синфлари ҳам мавжуд бўлиб, бу машаққатли ва шарафли юмушларга салоҳиятли педагог Анвар Бобоев моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқда.

Ўқув юртларига қабулнинг тест усули билан амалга оширилаётганлиги таълим тизими ва унинг йўналишига жиддий тузатишлар киритишга мажбур қилмоқда. Талаб йил сайин кучайиб, йигит-қизларимиздан тайёргарлик кўламини тобора кенгайтиришни тақозо этаётир. Бу ҳол ўқитувчиларимизни ҳам ҳаракатга солиб қўйди, уларда ички бир назорат пайдо бўлди — ўз устида ишлашга эҳтиёж туғилди. Икки томонлама — ҳам ўқувчилар, ҳам ўқитувчиларимизнинг ўзаро уйғун ҳамкорлиги натижаси ўлароқ, бу йил 116 нафар ўқувчимиз олийгоҳларга, 324 нафари техникум ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилиндилар. Ўз билимларини сиртдан ошириш учун ўз шогирдининг ҳаётда қоқилмай юришлиги, обрў-эътибор қозонганлигини кўришдан кўра ортиқроқ саодат борми ахир! Касбимизнинг боқийлигию, касбдошларимнинг собитлигини мен шунда кўраман.

— **Лекин шунга қарамай, ўқитувчилар ўртасида ҳам касб кўнимсизлиги маълум даражада бор. Шундай эмасми?**

— Бунинг сабаблари кўп, албатта. Ва мен бунда янги иқтисодий муносабатларга ўтаётганлигимизнигина сабаб қилиб кўрсатишни истамасдим. Назаримда биз бугун синов лаҳзаларини бошдан кечираётирмиз. Кимнингки, ўз касбига меҳр-муҳаббати баланд бўлса, вақтинчалик машаққатлардан чўчимайди. Не бахтки, туманимиздаги ўқитувчиларнинг аксарияти шундай фикрда. Балки шунинг учунми, кадрлар қунимсизлиги деган тушунча бизнинг соҳани четлаб ўтмоқда. Бу, аввалбоши уларнинг ўз касбларига саодоқатларини кўрсатса, қолаверса, ижтимоий ҳимояга катта аҳамият берилаётганлигининг натижасидир. Қатнаб ишлайдиган ўқитувчиларимизга «Камолот» жамғармаси ва туман ички ишлар бўлими томонидан транспорт воситаларида бепул юриш учун махсус гувоҳнома берилган. Бундай гувоҳномалар узоқдан келадиган ўқувчиларимизда ҳам бор.

Сир эмаски, ҳар йили мактабларни таъмирлаш муаммоси кундаланг бўлади. Баъзан бунинг учун туман ҳокимлигининг 1997 йил 21 июнь қарори айни кунгилдаги иш бўлди. Қарорга мувофиқ хўжаликлар ҳисобидан ўрта мактабларга 1 гектар, таянч мактабларига 0,5 гектар ер ажратиб берилди. Ҳосилдан келадиган тушум эса мактабнинг моддий-техника базасини яхшилаш, ўқитувчи ва ўқувчиларни рағбатлантириш учун сарфланмоқда.

— **Фанлар бўйича олимпиадалар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари... Бегубор болалигимиз тўғрисидаги тасаввурларимиз ҳамиша ана шундай ранг-баранг воқеалар билан бой. Бугун бир қарашда ўйиндек туюлса-да, замирида канчадан-канча ҳарорат, меҳнат ётибди. Ўқувчилар меҳнати, ўқитувчилар меҳнати...**

— Узликни англаш, деб аташ мумкин бўлган бундай ҳаяжонли асноларда мен ўқувчиларимиз бирдан катталардек жиддий тортиб, — ўқитувчиларимиз эса болалардек ҳис-туйғуларини ичларига сиғдиролмай қолганликларини кўп кўрганман. Мактабга бизни боғлаб турган жозиба эҳтимол шудир. Ҳар қалай, таълим тизимига хос барча баҳсларда имкон борича қатнашишга ҳаракат қиламиз. Фанлар бўйича вилоят олимпиадасида қатнашиб, биологиядан иккинчи, математика ва тарихдан тўртинчи ўринни эгалладик. Чет тилидан эса — олтинчи...

Шу кунларда каратэ бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатидан хушхабар кутиб яшамоқдамиз. Негаки, унда бизнинг вакилларимиз ҳам бор.

— **Одилжон ака, биз одатда ҳар куни байрам бўлсин, деб ният билдирамиз. Бугун эса чинакамига байрам ўқитувчи ва мураббийлар байрами! Қалбингиз тубида ва тилингиз учида қандай тилакларингиз бор?**

— Кимдандир хурсанд бўлсак, дунё тургунча туринг, дея дуога қўл очамиз. Ишончим комилки, таълим соҳасида ишлаётганлар бундай лутфдан кўп бора баҳра топишган. Туманимизда 60 нафар олий тоифали ўқитувчи ишлайди. Яна 800 нафари биринчи, яна шунчаси иккинчи тоифали ўқитувчилар. 9-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ғулжон Тантибердиева мустақиллик шарофати ила таъсис этилган «Соғлом авлод учун» орденининг нишондорларидан. 6-мактабнинг кимё ўқитувчиси Мунисхон Каримова, 13-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Ғанимат Абдуғаффоровалар «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонига сазовор бўлган бахтиёр инсонлардир. Ҳар кимга шундай меҳнатдан шараф топишлик насиб этсин.

Суҳбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ.

Янги лицейлар

«ШАРҚНИНГ БЎЛАЖАК ЭЛЧИЛАРИ»

Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами арафасида Тошкент давлат Шарқшунослик институти қошида Тарих ва Шарқ тиллари лицейи ўзининг илк ўқувчиларига бағрини очди. Республикамизнинг турли жойларидан лицей йўналишига хос бўлган синовлар асосида танлаб олинган ёшлар сабоқ ола бошладилар. Лицей ўзининг дастлабки ўқув йилида араб, форс, хитой, ҳинд тиллари бўйича гуруҳлар қабул қилди.

- Ушбу ўқув маскани,-дейди лицей очилиш маросимида қатнашган Хитой мамлакатининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Цзан,- Ўзбекистонни Шарқ мамлакатлари билан янада мустаҳкам боғловчи мутахассисларни етиштиради. Балки, бугунги талабалар орасида мустақил юртнинг шарқдаги бўлажак элчилари бордир.

Шу куни лицей очилишида қатнашганларнинг қизғин олқишлари остида ўқувчилар илк машғулотларни бошладилар.

«ОРЗУ» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Орзу» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 1998 йил 14 октябрда соат 15.00 да «Орзу» АЖ Мажлислар залида бўлади.

Кун тартиби:

1. «Орзу» АЖ бошқарувининг 1998 йил 1-ярим йиллик учун молиявий хўжалик ҳисоботи.
2. Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.
3. Акциядорларнинг умумий мажлиси низомини тасдиқлаш.
4. «Орзу» АЖ Кузатув кенгаши низомини тасдиқлаш.
5. «Орзу» АЖ ижроия органи низомини тасдиқлаш.
6. «Орзу» АЖ ижро этувчи раҳбари билан меҳнат шартномасини тасдиқлаш.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 13.00 да бошланади.

Ўзингиз билан бирга паспорт ва сертификат олиб келишни унутманг.

Кузатув кенгаши.

«БУЮРТМА» («УНИСТРАХ»)

Масъулияти чекланган жамиятининг 1997 йил

БАЛАНСИ

	1998 йил 1 январга минг сўм ҳисобида
АКТИВ	
1. Пул маблағи	- 349,3
2. Қисқа муддатли қўйималар	- 7400,0
БАЛАНС	- 7749,3
ПАССИВ	
1. Устав капитали	- 30,0
2. Тақсимланмаган фойда (резерв фонди)	- 388,3
3. Бюджетга	- 41,4
4. Меҳнат ҳақига	- 9,6
5. Мулкни суғурталашга	- 7280,0
БАЛАНС	- 7749,3

Ўзбекистон спорт жамоалари

ДАДИЛ ОДИМ

Ўзбекистонда футболни жуда ёқтиришади. Шунинг учун ҳам спортнинг бу турига республикамиз Президенти ва ҳукуматимиз томонидан катта эътибор бериб келинмоқда. Хоразм вилоятининг «Хива» командаси ана шундай эътибор оқибатида юзага келган ёш спорт жамоаларидан биридир. У 1996 йил кўкламида ташкил топган, мамлакат футбол мусобақаларининг биринчи лигасида иштирок этмоқда.

«Хива» футбол командаси хўжалик ҳисобида иш юритади, аниқроғи, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайди. Тўғри, кўҳна шаҳарнинг анчагина ташкилот ва корхоналари ҳам ёш жамоага меҳр-мурувват кўрсатишиб, унга ҳомийлик қилишмоқда, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳисоб рақамига пул ўтказиб туришибди. Лекин қўлдан берганга қуш тўймас, деган мақол бор. Ҳар ҳолда команданинг ўзи ҳам пул-маблағ топиши зарур бўляпти. Бунинг учун эса яхши команда, яхши футбол ўйини ва яхши натижа керак.

Команданинг спорт кураши бўйича аҳволи ҳозирча ёмон эмас. Жамоа ташкил этилган йили 27 команда орасида 17-ўринни эгаллаганди. Кейинги йили ёш футболчилар маҳоратларида анча ўсиш юз берди. 1997 йили улар 24 команда орасида 7-ўринни эгаллаш билан мавсумни якунлашди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, бу натижани эндигина икки йиллик кураш тажрибасига эга бўлган ёш футбол жамоаси учун қониқарли якун, деб ҳисобласа бўлар экан.

Энди футболчилар ҳақида гапирсак. Команда эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлашга салмоқли улуш қўшаётган йигитлари ҳақида қувонч билан сўзлаб берди. У айниқса ҳимоячи Илдуз Шарипов , ярим ҳимоячи Ихтиёр Сатторов, ҳужумчи Владимир Баранов, дарвозабон Мансур Давлатовнинг номларини алоҳида ҳурмат ва умид билан тилга олди.

- Биз командани ёш истеъдодли ўйинчилар билан ўйинчиларининг 60 фоизи хоразмлик спортчилар, қолганлари эса республикамизнинг турли футбол жамоаларидан таклиф этилган тажрибали футболчилардир. Бош тренер Рўзимат Қурёзов биз билан суҳбатда жамоанинг спорт соҳасидаги ютуқларига, тўлдиришни доим диққат марказимизда тутмоқдамиз, - дея гапга аралашди команда бошлиғи Султонбой Нурметов. - Шу мақсадда спорт мактаби, турли корхоналарнинг ҳаваскор футбол жамоалари қатнашчиларининг машқлари ва ўйинларини синчковлик билан кузатиб бормоқдамиз. Мақсад - командага кучли ўринбосарларни тайёрлашдир.

Команда бошлиғининг ҳам, бош тренернинг ҳам қолаверса, футбол ишқибозларининг ҳам «Хива» жамоаси ўйинчиларидан умидлари катта. Сабаби, биринчидан футболчилар маҳоратларининг юқорида қайд қилганимиздек, йилдан йилга ўсиб, турнир жадвалида тобора юқорилаб бораётгани бўлса, иккинчидан, уларнинг сафига янги ёш кучларнинг кириб келишидадир.

Биз команда мухлисларининг ёруғ умидлари тўла-тўкис оқланиши тарафдоримиз.

Абдураим ОТАМЕТОВ.

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79.
Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 21.00

Буюртма Г— 0421. Нусхаси — 15.088. Масъул навбатчи: Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА 1 2 3 4 5 6